

**Фарғона вилоятининг туман/шаҳарларига бириктирилган масъуллар томонидан ўрганиладиган йўналишлар ва амалга ошириладиган ишлар тўғрисида
КЎРСАТМА**

I. БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ХИЗМАТИ

1. Худуднинг бирламчи тиббий-санитария муассасалари тўғрисида умумий маълумот.

2. Аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган **маҳалла тиббий пункти, ОШП** ва бажарилиши.

3. Мавжуд ОШП, ОП ва КТМПда **кундузги стационар ўринлар** фаолиятини йўлга қўйилганлиги. Ушбу муассасаларда шифокор олди кўрик хонаси ва Фитобарлар ташкил этилиши. Тиббий ҳужжатларнинг юритилиши.

4. Бирламчи тизимда кадрлар таъминоти, салоҳияти ва вакант ўринларни тўлдириш бўйича амалга оширилган ишлар.

5. Қишлоқ шифокорлик дастури доирасида амалга оширилган ишлар.

6. **120 турдаги** дори воситалари, стоматологик сарфлов воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминот

II. СТАЦИОНАР ХИЗМАТ

1. Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмасининг умумий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар.

2. Туман/шаҳарда Республика ихтисослаштирилган марказлардан ташриф буюрган мутахассислар иштирокида тиббий кўриклар ўтказиш, беморларни аниқлаш ва уларни **туман, вилоят ва республика** даражасида даволашни ташкил этиш.

3. Туман/шаҳарда ихтисослаштирилган хизматни ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар.

4. Кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги, амалдаги клиник баённома ва стандартларга риоя этилаётганлиги, бирламчи тиббий ҳужжатларнинг юритилиши.

5. **120 турдаги** дори воситалари, стоматологик сарфлов воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминот.

6. Аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналар ва гўдаклар ўлими сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари, туғруқ комплекслари ва болалар шифохоналари фаолиятини ўрганиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш

III. СКРИНИНГ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

1. 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолини **юрак-қон томир, эндокрин, онкологик** каби касалликлар бўйича **скринингдан ўтказиш** бўйича маҳаллалар кесимида тармоқ режа ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва натижаси юзасидан маълумот тайёрлаш.

IV. КАДРЛАР ТАЪМИНОТИ ВА САЛОҲИАТИ

1. Кадрлар таъминоти, салоҳияти ва вакант ўринларни тўлдириш. Республика тиббиёт олийгоҳларида таълим олаётган Фарғоналик битирувчи талабалар тўғрисида маълумот ва уларни ишга жойлаштириш.

2. Раҳбар ва ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларнинг эгаллаб турган лавозимига муносиблигини танқидий ўрганиш, меҳнат муносабатлари тўғри юритилишини назорат қилиш.

V. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК

1. Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам акциясини **ҳар куни** ташкил этиш. Унда ёш авлод, хотин-қизлар ва нуронийлар иштирокини таъминлаш.

2. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллигини ошириш масалалари бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили.

VI. МУРОЖААТЛАР

1. Тиббиёт тизимига оид жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, мурожаатларни камайтириш юзасидан амалий чоралар кўриш.

2. **1103 қисқа рақами** ишонч телефони **фаолияти**.

VII. ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА БАЗАСИ ҲОЛАТИ

1. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мавжуд ҳолати.

2. Инвестиция, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” каби дастурлар доирасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳолати.

3. Бўш турган бино иншоатлардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар.

4. “Маҳалла тиббий пунктлари”ни ташкил этишни ўрганиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш.

VIII. ҲУДУДДАГИ САНИТАР ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТ

1. СЭОваЖСХ тизими ҳолати.

2. Савдо корхоналари, бозорлар ва умумий овқатланиш корхоналарида санитар-эпидемиологик ҳолатни ўрганиш.

3. Аҳоли ҳонадонларини санитария ҳолатини яхшилаш борасида тарғибот тадбирларини ўтказиш.

4. COVID-19 билан касалланиш, эмлаш масалаларини ўрганиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш.

IX. ОММАВИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР

1. Тиббиёт ходимларининг маънавий дам олишлари учун **театр ва концерт томошаларини ташкил этиш**.

X. ХУСУСИЙ ТИББИЁТ

1. Нодавлат тиббиёт муассасалари вакиллари учрашувлар ташкиллаштириш ва уларни **“Инсон қадри учун”** акцияси доирасида беморга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

2. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

3. Лицензиясиз фаолият олиб бораётган юридик шахсларни аниқлаб маъмурий чоралар кўриш.

XI. СЕМИНАР ВА ТРЕНИНГЛАР

1. Тиббиёт муассасалари раҳбарларини ислохотлар билан таништириш ва масъулиятини ошириш мақсадида амалий семинар ўтказиш.

XII. ТАКЛИФЛАР

Биринчидан, бирламчи тиббий санитария ёрдами хизмати бўйича

Иккинчидан, аҳолининг ўзи яшаш жойида ихтисослашган ёрдам олишини таъминлаш бўйича;

Учинчидан, вакант ўринларни тўлдириш ва тиббиёт ходимларининг тизимли малака ошириш бўйича;

Тўртинчидан, моддий техника базани мустаҳкамлаш бўйича

Бешинчидан, ва бошқалар